

“Ипотека-банк” АТИБ  
Кузатув кенгаши томонидан  
МАЪҚУЛЛАНГАН  
(2016 йил 21 ноябрдаги  
73-сонли баён)

“Ипотека-банк” АТИБ  
Акциядорлари умумий  
йигилишининг қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН  
(2016 йил 5 декабрдаги  
23-сонли баён)

**“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ  
БОШҚАРУВИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМИГА КИРИТИЛГАН  
ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

## **“Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги Низомга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар**

- 1. 3.1.-бандининг 2-чи хатбошидан кейин янги хатбош киритилсин ва у қўйидагича баён қилинсин:**
  - акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режалар ишлаб чиқади ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва/ёки кузатув кенгашига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритади;
- 2. 3.1.-бандининг 3-чи хатбошидан кейин янги хатбош киритилсин ва у қўйидагича баён қилинсин:**
  - банкда қабул қилинган ҳар бир ривожланиш режаси бўйича белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган сон ва сифат мезонларини ишлаб чиқади;
- 3. 5.7. - банддан кейин янги 5.7.<sup>1</sup> - банд киритилсин ва у қўйидагича баён қилинсин:**

5.7.<sup>1</sup> Банк Бошқарувининг мажлиси аудиоконференц-алоқа ёки видеоконференц-алоқа режимида ҳам ўтказилиши мумкин.
- 4. 5.14.-банддан кейин янги 5.14.<sup>1</sup>-банд киритилсин ва у қўйидагича баён қилинсин:**

5.14.<sup>1</sup> Банк Бошқаруви банк акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.
- 5. 5.15. - банди қўйидагича баён қилинсин:**

5.15. Банк бошқаруви раисига ва бошқарув аъзоларига тўланадиган меҳнат ҳақи ҳамда бошқа ҳақлар миқдори, тўлаш шартлари банк фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, шартномада белгиланади.
- 6. 5.15.-банддан кейин янги 5.16., 5.17., 5.18. - бандлар киритилсин ва улар қўйидагича баён қилинсин:**

5.16. Молия йили натижалари бўйича банк бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилган, банкнинг самарадорлиги ошган, бизнес-режада белгиланган соф фойда миқдори ортиғи билан бажарилган тақдирда, Кузатув кенгаши қарори асосида банк Бошқарувига рағбатлантирувчи восита сифатида бир марталик мукофот тўланиши мумкин.  
Йил давомида Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланган мукофотлар ва компенсациялар миқдори банк акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида ҳамда банк акциядорларининг навбатдаги умумий

йиғилиши ўтказилгандан сўнг банкнинг корпоратив веб-сайтида ошкор этиб борилади.

5.17. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан, ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг банкни ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказилади.

5.18. Банк Бошқаруви ўз фаолиятида хорижий тажрибада муваффакиятли синовдан ўтган бошқарув услублари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, маҳсус дастурий маҳсулотлар ва бошқаларни кенг қўллайди.

## **7. 6.1. -банди янги таҳрирда қуидагича баён қилинсин:**

6.1. Бошқарув аъзолари:

- банк кенгаши томонидан белгиланган банк сиёсатига амал қилишлари;
- банкнинг ички аудит хизмати текшируви яқунлари бўйича аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни ҳар чоракда қўриб чиқиб, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўришлари;
- ташқи аудит текширувлари яқунлари ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан ўтказилган инспекциялар (текширувлар) хисоботларини батафсил таҳлил қилишлари;
- ўз вазифаларини профессионал асосда амалга оширишлари, қонун хужжатлари, банк устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни вижданан ва оқилона бажаришлари шарт.